NAMANGAN HAQIQATI

VILOYAT HOKIMLIGINING NASHRI

82 – 83 – son (20409) | 22-oktabr 2026-yil

NAMHAQIQATI.UZ | NAMHAQIQATI | @NAMANGANHAQIQATI_RASMIY | NAMHAQIQATI | NAMHAQIQATI



МИЛЛИЙ ҒУРУР ТИМСОЛИ

ТИЛГА ЭҲТИРОМ – ЭЛГА ЭҲТИРОМ



Обидхон ҲУСАНХЎЖАЕВ,
Наманган давлат университети филология факультети декани, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

Тил — халқнинг тарихий хотираси, миллий тафаккури ва маънавий қиёфасини сақлайдиган бебаҳо қадрият. У инсонни аждодлари билан боғлайди, дунёни англаш тарзини шакллантиради ва маънавий меросни келажак авлодга етказади. Шу маънода, Ўзбек тили байрами нафақат миллий ифтихорни ифода этувчи сана, балки она тилимизга бўлган муносабатимиз, уни асраш ва ривожлантириш борасидаги масъулиятимизни яна бир бор англаш имкониятидир.

Бугун илм-фан, технология ва халқаро мулоқот жадал ривожланаётган бир даврда она тилининг нуфузини ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Тилнинг қадри унинг тарихийлиги ёки жозибадорлигигина эмас, балки жамиятнинг барча соҳаларида эркин ва тўлақонли қўлланилиши билан ҳам белгиланади. Шу боис, она тилига ҳурматни оддий одат эмас, балки фуқаролик бурчи ва маънавий масъулият сифатида англашимиз зарур.

Ўзбек тилининг бойлиги, аввало, унинг сўз маънолари ва образли ифода имкониятларида намоён бўлади. Профессор Миразиз Миртожиевнинг «Ўзбек тилида полисемия» асарида кўп маъноли сўзларнинг тил луғат таркибидаги ўрни ёритилган. Масалан, «бош» сўзининг турли маъноларда қўлланиши, «бош қотирмоқ», «бош кўтармоқ», «бир ёқадан бош чиқармоқ» каби ибораларда келиши тилимизнинг семантик ва бадиий имкониятлари нақадар кенглигини кўрсатади. Демак, она тилини ўрганиш фақат грамматик қоидаларни ўзлаштириш эмас, балки халқнинг тафаккур тарзи ва дунёқарашини англаш ҳамдир.

Она тилимиз ҳақида сўз борганда, буюк мутафаккир Алишер Навоий меросини ёдга олмаслик мумкин эмас. Улуғ шоир ўз ижоди билан туркий тилнинг бадиий ва фалсафий имкониятлари ниҳоятда кенг эканини бутун дунёга намоён этди. Навоий асарларида энг мураккаб фикрлар ҳам, инсон қалбининг энг нозик кечинмалари ҳам юксак маҳорат билан ифодаланган. Бу мерос ўзбек тилининг асрлар давомида сайқалланиб келган бебаҳо маънавий бойлик эканини тасдиқлайди.

Хорижий тилларни билиш бугунги глобаллашув шароитида катта имкониятлар эшигини очади. Бироқ бошқа тилларни ўрганиш она тилимизга эътиборни сусайтирмаслиги керак. Айрим пешлавҳа, реклама ва хизмат кўрсатиш жойларида ўзбекча муқобили мавжуд бўлган сўзлар ўрнига чет тилдаги ифодаларнинг қўлланилиши аҳоли учун тушунмовчилик туғдириши мумкин. Тилимизда аниқ ва тушунарли ифодалар мавжуд экан, улардан самарали фойдаланиш миллий қадриятларимизга ҳурматнинг амалий кўринишидир.

Шу билан бирга, тил софлиги уни янги сўз ва тушунчалардан ажратиб қўйиш дегани эмас. Тил жамият билан бирга ривожланади, илм-фан ва технологиядаги янгиликлар эса янги атамаларни тақозо этади. Муҳими, уларни яратиш ва қўллашда ўзбек тилининг ички қонуниятлари, меъёрлари ҳамда тушунарлилик тамойилига амал қилишдир. Бу жараёнда тилшунослар, олимлар, журналистлар ва таълим тизими вакилларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бугун она тилимиз тақдири китоб ва дарсхоналар билангина чекланмайди. У ижтимоий тармоқлардаги ёзувлар, электрон ҳужжатлар, интернет саҳифалари, реклама ва кундалик мулоқотда ҳам намоён бўлади. Имло хатолари, ўринсиз қисқартмалар ва тушунарсиз ифодалар тил маданиятига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ҳамда оммавий ахборот воситалари матнларнинг саводли, равон ва услубий жиҳатдан тўғри бўлишига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

> **Афсуски, баъзан хорижий тилни билмасликни камчилик деб ҳисоблаймиз-у, она тилимизда бир варақ матнни хатосиз ёзишга етарлича аҳамият бермаймиз. Фарзандларимизнинг чет тилларини ўрганишига интиламиз, аммо она тилида тўғри сўзлаши, фикрларини равон ифодалаши ва саводли ёзишини ҳам худди шундай қадрлашимиз зарур. Зеро, ёзма саводхонлик инсоннинг билими, фикрлаш маданияти ва атрофдагиларга бўлган ҳурматини кўрсатувчи муҳим мезондир.**

Она тилига муҳаббат оиладан бошланади. Боланинг илк сўзлари, эшитган эртаклари ва дастлабки саволлари унинг нутқи ҳамда дунёқараши шаклланишида муҳим ўрин тутади. Ота-она, тарбиячи ва ўқитувчининг тилга эътибори болада китобхонлик, тўғри нутқ ва миллий маданиятга қизиқишни ривожлантиради. Шунингдек, мактаб ва олий таълим муассасаларида она тилини фақат ўқув фани сифатида эмас, балки мустақил фикрлаш ва самарали мулоқот воситаси сифатида ўргатиш зарур.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш учун уни давлат бошқаруви, таълим, илм-фан, тиббиёт, ҳуқуқшунослик, банк-молия ва дипломатия соҳаларида кенг қўллаш имкониятларини янада ошириш лозим. Бунинг учун замонавий луғатлар, сифатли атамалар, услубий қўлланмалар ва ишончли электрон манбалар зарур. Айниқса, электрон луғатлар, имло текширув дастурлари, миллий матн корпуслари ва ўзбек тилида ишлайдиган нутқий технологияларни ривожлантириш тилимизнинг рақамли макондаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбек тили байрами арафасида асрлар давомида сайқалланиб, турли синовларни енгиб келган, қадимий ва навқирон, теран ва жозибали она тилимизга яна бир бор эҳтиром ила таъзим қиламиз. Мангу омон бўл, она тилим! Халқимизнинг онгу шуури, руҳияти ва тарихига кўзгу, қалбидаги туйғуларга таржимон бўлиб, келгуси авлодларга ҳам беминнат хизмат қилавер. Тилимизга бўлган муҳаббатимиз байрам кунларидаги эзгу тилаклардагина эмас, балки ҳар куни саводли ёзишимиз, тўғри сўзлашимиз ва уни асраб-авайлашимизда ҳам намоён бўлсин!